# САНЪАТ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ



**_Дилором Омонуллаеванинг номи фақат Ўзбекистонда эмас, балки чет элларда ҳам маълум. У эстрада қўшиқлари устаси, ёшларнинг эҳтиёжларини, талабларини, маънавий идеалларини яхши биладиган ва уларни ўз ижодида акс эттирадиган, тиниб-тинчимас устоздир._**

**_Кўп йиллардан бери Д.Омонуллаева таниқли хонандалар — К.Раззоқова, К.Қаюмов, М.Сатторова, С.Назархон, О.Нечитайло, Д.Исмияминова ва бошқа санъаткорлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда._**

**_Биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Офарин» танловлари лауреати, консерваториянинг эстрада хонандалиги кафедраси мудири, композитор Дилором Омонуллаева билан суҳбатлашдик._**

*Учрашув*

**— Дилором Давроновна, ижодингизда эстрада мусиқаси марказий ўринлардан бирини тутишининг сабаби нимада?**

— Биз эстрада мусиқаси деганда биринчи ўринда қўшиқни тушунамиз. Қўшиқ эстрада мусиқасининг юраги, асосий жанри. Қўшиқ мени ёшлигимдан жуда қизиқтирган, айниқса, Ботир Зокиров, Раъно Шарипова, Муҳаббат Шамаева, Юнус Тўраевлар қўшиқларини севиб тинглардим. Бундан ташқари, Ғарб эстрадасини жуда яхши кўрардим. Лекин эстрада жанрида ишлайман, деб ҳеч ўйламаган эдим. Консерваториянинг ассистентурасини битиргач, асосан симфоник ва бошқа йирик асарлар ёза бошладим. 90-йилгача 2 та симфония, фортепиано учун концерт, 2 та сюита, хор ҳамда камер оркестри учун кўплаб асарлар, романслар яратдим, қўшиқларни эса асосан болалар учун ёзганман.

90-йилларда радиода Наврўзга бағишланган қўшиқлар танлови эълон қилинди. Шоир Пўлат Мўмин билан танишиб қолдим. У киши менга: «Дилоромхон, менинг «Сумалак» деган шеърим бор, шунга қўшиқ басталаб бера оласизми?» деди. Рози бўлдим. Натижада ўсмирлар учун қўшиқ ёзилди. Ва шу танловда мен ҳам қатнашдим. Биринчи ўрин ҳеч кимга берилмади, 2-ўрин эса менга насиб этди. Ўша танловда жуда йирик композиторлар қатнашган эди. Шундан кейин таклифлар туша бошлади, Козим Қаюмов, Кумуш Раззоқова, Гулбаҳор Сулаймонова каби хонандалар кела бошлади. Натижада ўз устимда ишлашга ҳам мажбур бўлдим. Биз, авваллари, қўшиқ — бу енгил жанр, деб ўйлардик. Йўқ, бу жуда ҳам мураккаб, масъулиятли жанр экан. Чунки ёзилган қўшиқни миллионлаб одамлар тинглайди. Бинобарин, қўшиқнинг таъсири катта ва, албатта, масъулияти ҳам юқори. Қўшиқ шеъри маъноли, мусиқаси, аранжировкаси сифатли ва, албатта, ижро яхши бўлиши керак. Шундай қилиб 90-йилдан то ҳозиргача эстрада қўшиқларини ёзиб келмоқдаман.

**— XX асрда асосан оммабоп фолклор қўшиқлари эстрадалаштирилар эди, XXI асрда ҳаттоки катта ашула, мақомлар ҳам эстрадалаштириляпти. Бунга муносабатингиз қандай?**

— Масалага икки хил ёндашиш мумкин. Кимдир анъанавий мусиқага тегиш керак эмас, дейди. Менимча, анъанавий мусиқани чиройли аранжировка қилиб, замонага мос равишда янгидан гуллатса, мен фақат «Офарин!», дердим. Лекин кўпчилик эстрадачилар анъанавий мусиқани очиқдан-очиқ бузяпти, бундай ҳолни мен қабул қилолмайман. Майли, замонавий аранжировкалар, қандайдир янги қатлам бўлсин, лекин анъанавий шакл ва йўналиш сақланиб қолиши керак.

**— Ҳозирги кунда ёш эстрада хонандаларимизда ўзига хослик, миллийлик етишмайди, бунинг сабаби нимада? Умуман, XXI аср мусиқасини қандай баҳолайсиз?**

— Биласизми, бунга ҳам икки хил жавоб бўлиши мумкин. Замонавий эстрадамизда ютуқлар бор. Лекин асосий камчилигимиз шуки, бу санъат бугун умуман назоратдан чиқиб кетди. Санъат — тарбия воситаси, лекин афсуски, кўплар буни унутиб юборди, ҳаваскорлар кўпайиб кетди, ўзлари хом-хатала қўшиқлар ёзиб катта саҳнага чиқишмоқда. Уларнинг на овози бор, на қўшиқларида бир маъно бор. Ҳар бир асарни халққа эшиттиришдан олдин уни, албатта, бадиий кенгаш кўриб чиқиб, қўшиқ матнига, мусиқасига баҳо бериши керак. Бизнинг энг катта хатомиз шундаки, аксарият ёшлар мактаб, устоз кўрмасдан саҳнага чиқиб кетишяпти. Тайёр мусиқани Ғарбдан, Шарқдан олиб, озгина ўзгартириб, ўзбекча сўзларни қўйиб ижро этишяпти. Уларнинг кўплари ўзбек тилини ҳам билмайди. Мен Райҳон, Шаҳзода, Зебо каби ёшларни том маънода хонанда, дея олмайман. Уларнинг овози ҳам, диапазони ҳам йўқ, фақат кўринишлари бор. Балки қўшиқларида яхши аранжировкалар бордир, лекин шеъриятда семантика, яъни ички маъно деган нарса бор. Ана шундан келиб чиқиб, қўшиқдаги урғуларни, мантиқий талқинларни қўллаш лозим. Мен фақат бугунни ўйлаб ишлайдиган, сохта шуҳрат учун енгил-елпи ижод йўлидан борадиган «санъаткорларни» қўллаб-қувватламайман.

**Мадина ХЎЖАЕВА**
**суҳбатлашди**

# ИЖОД ДОВОНЛАРИ

**Бугунги ўзбек театри, унинг ютуқ ва муаммолари, етакчи санъаткорлари, хуллас, миллий театр қиёфаси ҳақида гап кетганда, республикамизда фаолият кўрсатаётган барча театрлар қатори қўшни республикалардаги ўзбек театрларида кечаётган ижодий жараёнлар ҳам, шубҳасиз, назарда тутилади.**

**Бундай жамоалар ичида Бобур номидаги Ўш вилоят ўзбек академик театрининг алоҳида ўрни бор. Мазкур театрнинг тамал тошини қўйганлар дастлабки фаолиятларини Бекназар Назаров, Раҳмонберди Мадазимов ва Иброҳим Мадазимов ташаббуси билан ташкил этилган драматик труппада бошлаганлар.**

Ўша пайтларда томошабинлар Абдуқодир Исҳоқов, Жўрахон Зайнобиддинов, Исроилжон Исмоилов, Жалил Собитов каби актёрлар ижросини яхши кутиб олдилар. Мазкур труппанинг илк саҳна асари ўзбек миллий театри асосчиларидан бири Маннон Уйғурнинг «Туркистонлик табиб» спектакли эди.

Репертуарини бойитиб, иқтидорли актёрлар ҳисобига сафини кенгайтиришга муваффақ бўлган труппа 1929 йилдан профессионал театр мақомини олишга муваффақ бўлди.

Театр 1934 йили дастлабки йирик муваффақиятни қўлга киритди. Жамоа ўзининг биринчи директори Аҳматжон Тўхтаматов бошчилигида Ленинград шаҳрида ижодий сафарда бўлди. Завод-фабрикаларда намойиш этилган концерт дастурлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Жамоа бу шаҳарга 1984 йили яна гастролга борди ва янги мухлислар орттириб қайтди.

Шуни айтиш керакки, театр репертуаридан ўзбек, қирғиз драматурглари асарлари билан бирга, бошқа қардош халқлар ва жаҳон драматургияси дурдоналари ҳам ўрин олган. Ташкил топганидан шу кунга қадар мазкур саҳнада томошабин маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ранг-баранг мавзудаги 600 дан ортиқ асарлар мухлисларга тақдим этилди.

Сўнгги йилларда жамоа ўзининг сара асарлари билан «Наврўз», «Арт-Ордо — 2003», «Шарқ тароналари» фестивалларида, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистонда ўтаётган халқаро тадбирларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Ўш ўзбек драма театри босиб ўтган йўл бу даргоҳда турли даврларда фаолият кўрсатган машҳур санъаткорлар номи билан янада қадрлидир. Зеро, бу саҳнада ўтган йиллар мобайнида Тожихон Ҳасанова, Лайлихон Моидова, Розияхон Мўминова, Турсунхон Солиева, Неъматжон Неъматов, Толибжон Бадинов, Салоҳиддин Умаров каби бетакрор санъаткорлар ижод қилдилар.

Ўзига хос актёрлик мактаби яратган бу ижодкорлар анъаналарини бугунги кунда Ойтожи Шобдонова, Шавкат Дадажонов, Маҳмуджон Раҳматов, Баҳромжон Тўхтаматов, Расулжон Ураимжонов, Ҳаётхон Абдуллаева, Дилором Соипова, Самида Холматова каби кўплаб актёрлар давом эттирмоқдалар.

Муҳими шундаки, бу театр республикамиздаги бошқа кўплаб театрлар учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Узоққа бориб ўтирмай, Ўзбек Миллий театрининг етук актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловни олайлик. Биз билан суҳбатда Эркин ака Ўш театри ва унинг ижодкорлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берди:

— 1962-64 йилларда шу театрда ишлаганман. Саҳна ҳаёти билан айнан шу ерда танишганман. Театр деган сирли оламни худди шу ерда яхши кўриб қолганман.

Онам «Равшан ва Зулхумор» спектаклига олиб тушганларидан кейин бу даргоҳ менинг энг севимли жойимга айланган. Қўлимга пул тушди, дегунча шу ерга югурардим.

Тожихон Ҳасанова, Лайлихон Моидова, Неъматжон Неъматов, Ёрқиной Ҳотамова каби етук санъаткорлар ишлашарди ўша пайтларда. Бу ердаги бетакрор, зўр санъаткорлар ижроси пойтахт театрларидаги мана-ман деган актёрлар ижросидан қолишмайди. Менимча, ҳозир ҳам шундай. Эсимда, «Адолат» спектакли аншлаг билан 100 мартадан ортиқ қўйилган.



«Мели Хоббону Наби товон» комедиясида Умаржон, Шарафиддин акалар яхши ўйнашган. «Орзигул» спектаклида Каримжон Ўринов ижроси ёдимда қолган.

Овози зўр артистларни айтмайсизми. Толибжон Бадинов, Жўрахон Раҳимовлар хонишини ким севиб тингламаган. Ойтожи Шобдонова, Мунира Раимжоновалар ижроси ҳам бир олам. Бу театрда ўрганганларим ҳозиргача асқотиб келяпти.

Бундай самимий мулоҳазаларни кўплардан эшитиш мумкин. Шубҳасиз, театр жамоасининг ютуғида шу ерда ижод қилаётган барча санъаткорлар, театрнинг бадиий раҳбари Бахтиёржон Тўхтаматов, бош режиссёр Ғанижон Холматов, бош рассом Азизилло Аҳметов, мусиқа бўлими бошлиғи Зокиржон Шокиров, балетмейстерлар Матлуба Мавлонова, Нуржаҳон Гапирова ва бошқаларнинг хизмати катта.

Ўш вилоят ўзбек академик театри жамоаси айни кунларда халқимизга ҳар томонлама мукаммал асарлар тақдим этиш йўлида изланмоқда.

**Г.УМАРОВА**



## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Халқаро Амир Темур жамғармасида вазирликлар тасарруфидаги ўқув юртлари ўқувчи-талабалари ўртасида ўтказилган танловда 2005 йилги «Амир Темур стипендиатлари» аниқланди.

Танловга жамғарма раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али раислик қилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли ўқув юртлари орасида Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг санъатшунослик журналистика бўлими 3-курс талабаси Козимхон Саъдуллаев 1-ўрин, шу бўлимнинг 2-курс талабаси Ҳафиза Раҳмонова 2-ўринни эгаллаб, устозлар олқишига сазовор бўлдилар.

**М.КАРИМОВА**



*Эътироф*

Ўзбек эстрада қўшиқларига яратилаётган клиплар ҳақида аксарият ҳолларда танқидий фикр билдирилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунда асосан клипларда миллий руҳнинг йўқлиги, бизнинг миллий менталитетимизга тўғри келмаслиги таъкидланади.

Лекин яқинда бир клипни кўриб, «Мана, бўлар экан-ку!» дедик. Гап таниқли хонанда Ҳосила Раҳимованинг «Бийигул» қўшиғига (Шомурод бахши термаси, халқ оҳанги) ишланган клип ҳақида боряпти.

# «БИЙИГУЛ»НИ БИР ТИНГЛАНГ

Ҳосилахон «Қаландар II», «Ушшоқ», «Айлагач», «Раъноланмасун» каби мумтоз ашулалари, фолклор йўналишдаги «Йил боши», «Воҳ-воҳ тўрам», «Тўн» каби хонишлари, «Муҳаббат», «Учратганда», «Соғиндим» каби замонавий эстрада қўшиқлари билан эл ичида танилди.

Бизга маъқул бўлган клипнинг қўшиғи ҳам анча машҳур. Клип сценарийси муаллифи — шоир Эшқобил Шукур, режиссёр — Хуршид Собиров.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Денов туманларида тасвирга олинган мазкур клипнинг оммавий талқинида 100 — 150 киши қатнашган. Асосий ролларда эса Ҳ.Раҳимованинг қизлари Иқболхон ва Моҳибону ҳамда Шомурод бахши Тоғаевни кўрасиз.

**Г.ФАЙЗИЕВА**



# НЕГА АФҒОН РУБОБИ ДЕЙМИЗ?

*Китобингизни ўқидим*




Замонавий талабларга жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш — ҳозирги давр педагогикасининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон давлат консерваториясининг малакали мутахассислари, жумладан, «Шарқ мусиқаси» факултетининг профессор-ўқитувчилари фаоллик кўрсатишмоқда.

«Халқ чолғу асбоблари ижрочилиги» кафедрасининг етакчи мутахассиси, доцент Ғуломқодир Эргашевнинг ***«Афғон рубоби дарслиги»*** («Билим» нашриёти, 2004 й.) бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур дарслик муаллифнинг қарийб ярим асрлик илмий-педагогик тажрибаси, изланишлари маҳсули бўлиб, унда Шарқнинг қадимий чолғуларидан бири бўлган ***афғон рубоби*** (Афғонистонга тегишли чолғу асбоби эмас!) тарихи, рубоб ҳақида назарий ва услубий маълумотлар, ижрочилик маҳоратини ривожлантирувчи машқлар, сара куйлар ва мухтасар ансамблларга мўлжалланган асарлар берилган.

Афғон рубоби ижрочилиги фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Шарқнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган. Бу мусиқий асбобнинг ўзига хос тембри, ижрочилик ва техник имкониятлари уни нафақат оркестр таркибида, балки якканавоз ва жўрнавоз сифатида қўллаш имкониятини беради.

Дарсликнинг биринчи қисмида афғон рубобининг пайдо бўлиш тарихини ёритишда кўплаб тарихий манбалардан фойдаланилган ва ушбу сознинг Шарқ халқлари ҳаётида катта ўрин эгаллаганлиги эътироф этилган. Дарсликда мазкур чолғу асбобининг моҳияти, тузилиши, техник имкониятлари ва унда куйларни моҳирона ижро этган Товур Жумаев (1918-1983), Усто Муҳаммад Умар (1906-1981), Эргаш Шукуруллаев (1922-1995), Умаржон Ҳамидов (1919-1985) ва бошқалар ҳақида маълумот берилган. Дарсликнинг махсус бўлимида афғон рубоби ижрочилигининг назарий ва услубий маълумотлари берилган. Тажрибали ижрочи ва педагог Ғ.Эргашев бу қисмда афғон рубобида ўзининг шахсий ижрочилик усулини ёритади. Муаллиф аниқ ва тушунарли тарзда ижрочилик ҳолатлари, мусиқий шартли белгиларни кўрсатиб берган.

Шуни айтиш жоизки, Э.Шукуруллаев ва Ғ.Эргашевлар афғон рубобининг тузилишига маълум ўзгартиришлар киритишган. Хусусан, унинг тузилмасини катталаштириб, олтинчи ва садо берувчи торларни қайтадан ўзгартириб қўшишган. Бу эса рубобнинг жарангдорлигини ошириб, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган. Дарсликка ёш ижрочилар техникасининг ривожланишига ёрдам берадиган турли машқлар, гаммалар ҳамда этюдлар киритилган. Бундан ташқари, дарсликда турли халқ куйлари, мақомлар, Ўзбекистон композиторлари (Д.Зокиров, Т.Содиқов, М.Тожиев) ҳамда жаҳон мусиқаси классиклари (Ф.Шуберт, Ж.Бизе, М.Глинка, П.Чайковский, Р.Глиэр), жумладан, муаллифнинг асарларини ҳам ўз ичига олган катта мусиқий материал берилган. Шу билан бирга, дарсликда фақат афғон рубобида якканавоз ижрогина эмас, балки жўрнавозликда афғон рубобчилари учун мўлжалланган асарлар ҳам киритилганлиги унинг қимматини янада оширган.

Дарсликка киритилган барча асарлар методик тавсиялар билан бирга берилган. Бу эса ёш ижрочилар мусиқий материални ўзлаштиришлари жараёнини янада осонлаштиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу дарслик ҳам илмий, ҳам услубий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, рубоб ижрочилари учун қимматли қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**М.ХЎЖАЕВА**

*Диққат: фестивал*

# «Диёр оҳанглари»га марҳабо!

***Шу йилнинг апрел-октябр ойларида республика бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг «Диёр оҳанглари» телевизон фестивали бўлиб ўтади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур фестивалнинг мақсад ва вазифалари ҳақида фестивал ташкилий қўмита аъзоси, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбарининг ўринбосари Ўткир ТОҲИРОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Мазкур тадбир республикамиздаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, клублар ишини янада яхшилаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг ўзлари қизиққан санъат турлари билан шуғулланишларига имкон яратиш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Телефестивал уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда туманлар ва шаҳарлар тайёрлаган дастурлар саҳнада намойиш этилади. Иккинчи босқичда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг йиғма жамоалари қатнашадилар. Уларнинг дастурлари телевидение орқали намойиш этилади.

Дастурга ранг-баранг жанрлар киритилган. Чолғу ва ашулачилар ансамбллари, рақс, хор, оркестр жамоалари, вокал, эстрада, фолклор гуруҳлари санъатнинг турли жанрлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Тошкентда ўтадиган учинчи босқичда вилоятларнинг энг сара жамоалари ҳамда Қорақалпоғистон ва вилоятларда ғолиб деб топилган яккахон ижрочиларнинг катта концерти республика телевидениеси орқали намойиш этилади.

Фестивал давомида дастурларнинг жонли ижро этилишига алоҳида эътибор берилади.

Якуний босқичда ғолиб жамоалар, алоҳида ажралиб турган яккахон ижрочилар дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ўйлаймизки, фестивалда янги, ёш истеъдодлар кашф этилади.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика методика ва ахборот маркази Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда «Таълим жараёнида ўқув таълим стандартлари ва дастурлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масалалари» мавзуида услубий семинар ўтказди.

Семинарда таълим босқичларида мусиқий-назарий фанларни, ўзбек халқ чолғулари бўйича ижрочилик санъати босқичларини ўқитишни фаоллаштириш, замонавий қўғирчоқ театри ва ўқув жараёни муаммолари, мусиқали театр актёрини тайёрлаш, эстрада санъати, мусиқий овоз режиссёрлиги ва овоз операторлиги, мусиқа мутахассисларини тайёрлаш ва бошқа кўплаб долзарб масалалар ҳақида маърузалар тингланди.

* * *

Бекобод шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги 16-ўрта мактабда шоирлар Салим Ашур, Рустам Мусурмон, Ашурали Боймуродовлар билан учрашув бўлди.

Ижодкорлар ҳозирги адабий жараён, ёшлар шеърияти тўғрисида фикр юритиб, ўзларининг янги шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Шоир Салим Ашур «Туркистон» газетасининг ёшлар билан ижодий ҳамкорлиги, Рустам Мусурмон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар билан иш олиб бориш анъаналари, янги адабий тадбирлар ҳақида сўзлади.

**С.РАХМОНОВА**



# ОЛИС ЙИЛЛАР САДОСИ

Маълумки, ҳозир қутлуғ 100 йиллик юбилейи нишонланиш арафасида турган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек бундан қарийб 55 йил аввал — 1949 йилнинг ноябрида Тошкент — Термиз — Кобул — Лаҳор — Карочи маршрути бўйича сафарга отланиб, биринчилар қатори Покистонга йўл очган адибдир.

У ўзининг «Покистон йўлларида» номли сафарномасида Ҳинд-Пок урду адабиётининг навқирон намояндалари Файз Аҳмад Файз, Аҳмад Нодим Қосимийлар билан учрашиб, уларнинг хонадонида бўлгани, мушоира қилишгани ҳақида ёзган.

Ҳиндшунос адиб Дадахон Нурий Покистондаги «Устоз қадамжолари» бўйлаб бир неча бор кезган, Ойбекни кўрган-учрашганлар билан суҳбатлашган.

***СУРАТДА: Д.Нурий аллома Ойбекнинг тенгдоши, Покистон адабиётининг йирик вакили А.Н.Қосимий хонадонида.***

*«ЎзАС» колейдоскопи*

## «ЮНИФИЛМ» ПЕТЕРБУГРДА

**Петербургда IV халқаро болалар кинофестивали давом этмоқда. «Юнифилм» деб аталган мазкур фестивалда бадиий, қисқа метражли ва ҳужжатли филмлар намойиш этилади.**

Ҳар бир филм намойишидан сўнг томошабинларнинг кино ижодкорлари билан учрашувлари бўлиб ўтяпти. Фестивал дастурига оламга машҳур эртакчи Ганс Христиан Андерсоннинг 30 та эртаги асосида яратилган мултфилмлар намойиши ҳам киритилган.

## БЎРИ ВА ҚУЁННИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

**«Сеними, шошмайтур» (Ну, погоди) мултфилмини нафақат болалар, балки катталар ҳам севиб томоша қилади. Аммо бу мултсериалнинг давоми анча вақт ишланмай қолиб кетди. Яқинда рус мултипликаторлари ушбу сериални давом эттиришга қарор қилдилар. Шу йилнинг декабр ойидан бошлаб Россиянинг НТВ телеканали орқали «Сеними, шошмай тур»нинг янги туркумларини томоша қилиш мумкин.**

Сценарий муаллифи Александр Курляндскийнинг айтишича, янги сериалларда бўри қуённи эмас, қуён бўрини таъқиб қилади. Чунки аввалги бўри билан қуён эндиликда ота. Бўрининг ўғли аълочи, скрипка чалади, отасига тортмаган. Қуённинг ўғли эса...

## АПЕЛСИН КАСОФАТИ

**Голливуд киноюлдузи, «Оскар» мукофоти совриндори, актриса Хилари Суонк Янги Зеландия суди томонидан 100 долларлик жаримага тортилди. Бунга актрисанинг мамлакатга апелсин ва олма меваларини декларациясиз олиб кирганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда, – деб хабар беради «Нью Зиленд гералд» газетаси.**

Аммо Суонк жаримани тўлашдан бош тортиб, Манукаку туман судига хат ёзди. Афсуски, бундан актриса кутган натижа чиқмади. Суд унга жарима тўлашдан бош тортганлиги учун яна 15 доллар қўшимча жарима солди. Суонк буни ҳам тўлагани йўқ. Можаро давом этяпти, қачон тугаши ҳам номаълум...

Шу ўринда яна бир гап. Янги Зеландияга озиқ-овқат маҳсулотлари божхонадаги махсус текширувлардан сўнг олиб кирилиши мумкин. Бунга амал қилмаганларни юқоридаги каби жазо кутади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

Эркин УСМОНОВ

# ЭНГ ДОНО ФИКР

Кўпдан бери ёзмай қўйгандим. Қайси куни ярим кечаси калламга доно фикрлар қуйилиб келабошладию, тўлғоқ тутган аёлдек шошиб қолдим. Уйқусираб ёзишга киришдим.

«Ичкиликбозликдан қутилай десанг, пиёниста улфатларингдан узоқроқ юр!»

Шу сўзларни ёздиму, ҳаяжонланиб кетдим. Нима бу? Даҳолик белгисими? Ахир бунақа афоризмларни Гоголу Чехов, Қодирийу Қаҳҳорлардан тортиб, Саид Аҳмадларгача ёзишган-ку?!

Яна доно фикр келиб қолди:

«Чекиш балосидан қутулай десанг, лабига сигарет қистирган одамларга қарамасликка ҳаракат қил!»

Буёғи кетди-и-и!..

«Электр ҳақини камроқ тўлай десанг, баъзан шаъмдан фойдаланиб тур! Барча буюк адиблар шаъм ва жинчироқ ёруғида мумтоз асарлар ёзишганини унутма!»

«Бировдан қарз олсанг, қайтарадиган ойинг ва кунингни айтгину, йилини айта кўрма!»

«Хотинимдан балога қолмай десанг, таниш жононлар билан телефонда гаплашаётганда зинҳор исмини тилга олма! «Эшмат, Тошмат» деб гаплашавер. Телефон дафтарчангда уларнинг исмини бироз таҳрир қилиб ёз! Масалан, «Мақсуда»мас, «Мақсуд», «Тожихон»мас, «Тоживой», «Лутфия»мас, «Лутфулла»...

Қарасам, доно фикрлар вулқондек қайнаб-тошиб келяпти. Шу пайт ёзув столимнинг бир четида ётган, кеча солиқ идорасидан келган чақириқ қоғозини кўрдиму, дами чиққан коптокдек бўшашиб кетдим.

... Ва навбатдаги «доно фикр» қоғозга тушди:

«Солиқ идорасидан безовта қилишмасин десанг, бунақа нарсаларни камроқ ёз! Газеталарда камроқ чиқ! Шунда қулоғинг тинч бўлади!..»

# «НАТИЖА-ПАТИЖА»



Мардиев ўзининг фамилиясига муносиб йигит эди.

Юзингда кўзинг борми, деб ўтирмасдан, дилидагини тилига чиқариб юборадиган, шарттаки ва дангалчилиги билан бошқа хизматчилардан ажралиб турарди. Мажлисларда ҳам раҳбарлар «Саволлар борми?» дейишса, ҳамма оғзига талқон солгандек миқ этмай ўтирар, фақат Мардиевгина коптокдек сакраб туриб, камчилигу нуқсонларни кўндаланг қилиб ташлайверарди.

Унинг шу одати янги бошлиқ Бўрибоевга унча ёқинқирамади. Бош бухгалтер индамасаю, бўлим мудирлари дами ичида ўтирсаю, синган-чиққан столларни тузатиб юрадиган бир чапани дурадгор бетингга сапчийверса, «этика»дан эмас-да!..

Навбатдаги мажлисда ҳам шундай бўлди.

Мардиев шартта ўрнидан туриб, «Ойлик-пойликлар вақтида берилмаяпти», «Мукофот-пукофотларнинг ранги ўчиб кетди», деб юборди.

Мажлисда бошқармадан ҳам вакиллар бор эди. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди.

«Танқид келажакнинг меваси» деганларидек, эртасигаёқ ҳосил берди. Ҳамма мукофот олди. Мардиевга эса бир мири ҳам чиқмади. Бухгалтерияга кирса, «Сизга «мукофот»мас, «пукофот», деб ёзиб қўйишибди. Аслида эса, унинг фамилиясини Бўрибоев рўйхатдан олдириб ташлаган экан.

Мардиев аразлаб бир ҳафта ишга чиқмади. Бу орада ҳамма ойлик олди. Унга беришмади. «Ойлик»ни ҳам, «пойлик»ни ҳам ишга чиқмаган кунлари учун ушлаб қолишди.

Жаҳли чиқиб кетган Мардиев шартта бошқармага шикоят ёзди. Ҳаммасини тўкиб солди. Уч кунда бошқармадан шундай жавоб келди:

«Ҳурматли Мардиев!

Бизга ёзган «шикоят-пикоят»ингиз билан танишиб чиқдик. Тез кунларда «комиссия-помиссия» юборамиз. «Текшириб-пекшириб» келишади...»

Орадан бир ой ўтди ҳамки, на «комиссия»дан, на «помиссия»дан дарак йўқ. Мардиевнинг ўзи айтмоқчи, ҳеч қандай «натижа-патижа» чиқмади...

Ана шу Мардиев ён қўшним бўлади. Қайси куни хуноби ошиб уйимизга кириб келди. «Бирон «пелетон»-«мелетон» қилмасанг бўлмайди, ука» деди.

Майли, деб ёздим. У «пелетон» бўлдими, «мелетон»ми, билмайман? Сиз уни юқорида ўқидингиз! Ҳозирча, Мардиев унинг «жавоб-павоб»ини, мен эса «гонорар-понорар»ини кутиб юрибмиз...

# ЯНГИ ҚЎШИҚ

Уч юзга бир мошина,
Во-ҳай бола,
Беш юзга уч мошина,
Во-ҳай бола.

Ютсам қуруқ бормасдим,
Во-ҳай бола,
Ёргинамнинг қошина
Во-ҳай бола.

Рекламага ишондим,
Во-ҳай бола,
«Матиз» ишқида ёндим,
Во-ҳай бола.

Бор-йўғимдан айрилиб,
Во-ҳай бола,
Қарз кўтардим ва тондим,
Во-ҳай бола.

Ҳеч ким бермас бу замон,
Во-ҳай бола,
Бекорга бир мирини,
Во-ҳай бола.

Баҳонада билволдим
Во-ҳай бола,
Рекламанинг сирини,
Во-ҳай бола.

*Бало ўйинчи.*

# Дунё — кенг...



## КИМНИНГ ТУШИ ДАҲШАТЛИ?

***Аёллар ва эркаклар кўрадиган тушлар бир-биридан ҳар жиҳатдан: мавзуига, давомийлигига ва уйқу чоғида организмда кечадиган ҳолатга кўра мутлақо фарқ қилади. Британиядаги психологик маслаҳатлар ва психоанализ уюшмаси олимлари ана шундай хулосага келишди.***

Олимларнинг хулосаларига таяниб, Лондонда чиқадиган «Индепендент» газетаси эркаклар туши нисбатан оддий, ҳис-ҳаяжондан холи бўлишини ёзади. Аксарият ҳолларда улар тушида секс, иш, пул ва автомобилларни кўришади. Аёлларга эса кўпинча болалик чоғлари, гўзал табиат манзаралари намоён бўларкан. Улар тушларида тез-тез ҳавода парвоз этишаркан.

Уюшма аъзоларидан бири Филип Ходсон шундай дейди: «Аёллар тушининг характерли жиҳати безовталик туйғуси билан боғлиқ. Улар болалигини ва ота-оналарини тушларида тез-тез кўришади. Бу ҳолат кечирилган қайғули дамлар ва хатарлар билан алоқадор».

Маълумки, тушларни тушуниш ва тушунтиришга, таъбирлашга жуда қадимдан уриниб келинган. Эрамиздан беш юз йил бурунги қўлёзмаларда ҳам тушлар баёни ва уларнинг таъбири қайд этилган. Бироқ олимлар ҳозиргача туш кўришнинг туб сабабларини илмий жиҳатдан очиб беролгани йўқ.

Фрейд ўз вақтида туш кўришни кишининг онгостидаги майл ва интилишлари билан боғлаб тушунтирган эди. Энди олимлар тушларни яна бир жиҳатдан ёритишга — эркак ва аёллар туш кўришидаги туб фарқларни изоҳлашга эришишди. Уларнинг аниқлашларича, турли типлардаги тушларни кўриш одамларнинг жинсига боғлиқ экан. Ҳар оқшом киши камида бешта туш кўрсада, одатда, уларнинг аксарияти дарҳол унутилиб кетади.

Эркаклар тушига кўпроқ нотаниш жойлар ёки кенг, очиқ майдонлар киради, аёллар эса тушларида, аксарият ҳолларда, хонани тарк этишмайди. Ёш йигитлар тушларида ўзларини олиймақом автомобилларда кўришади. Улар тез-тез тушларида катта тезликда трасса бўйлаб енгил автомобилларда «учишади».

Мангеймдаги жаҳонга машҳур тушлар тадқиқоти лабораторияси ўтказган илмий изланишларга доир ҳисоботда айтилишича: «Аёлларнинг тушларида эҳтирослар нисбатан аниқ ифодаланади, уларда персонажлар ҳам кўп бўлади. Аёллар тушига таомлар, кийимлар ва одамларнинг ташқи қиёфалари кўпроқ киради. Уларга нисбатан эркакларнинг туши жисмоний тажовузларга, зўравонлик ва қурол-яроғларга «бойлиги» билан даҳшатлироқ».

Эркак ва аёллар тушларидаги фарқлар жуда эрта аён бўлиши ҳам тадқиқотларда кузатилган. Олимлар олти юз нафар ўн ёшли ўғил бола ва қизалоқни кузатиш жараёнида кўп ҳолларда қизлар безовта, хавотирли тушлар кўриши ва бу ўғил болалар тушидан кескин фарқ қилишини аниқлашган. Ўғил болаларнинг тушларига кўпинча маҳлуқлар, баҳайбат ҳайвонлар кирса, қизалоқлар одамларни ва майда ҳайвонларни туш кўришар экан.

Шунингдек, олимлар нафақат ёшга ва жинсга қараб, балки тарихий даврларга нисбатан ҳам тушлар мазмуни ўзгариб боришини қайд этишган.

## УХЛАТМАЙДИГАН АВТОМОБИЛ

***Машина рулида ухлаб қолган ҳайдовчи қандай фалокатга дучор бўлишини ҳар қандай одам ҳам кўз олдига келтира олади. Ҳайдовчини ухлатмайдиган автомобилга эҳтиёж ана шундай фалокатлар туфайли юзага келган бўлиши табиий. Японияда яратилган ўта замонавий енгил автомобил ана шундай халоскорлик хусусиятига эга.***

Янги автомобил конструкторлари бир талай қулайликлар қатори, машинада ҳайдовчининг уйқусини қочирадиган алоҳида системани ҳам назарда тутишган. Бу автомобилни ҳайдаб кетаётган ҳайдовчини уйқу боса бошласа, машина рулидаги махсус мосламалар ҳайдовчи қўл ҳаракати ва ҳолатидан келиб чиқиб уйғотувчи сигнални бера бошлайди. Агар бу товуш ҳам ҳайдовчини ҳушёр торттирмаса, ўриндиқ ҳайдовчини силкита бошлайди. Агар бу билан ҳам ҳайдовчининг уйқуси қочмаса электронли система автоматик тарзда газни пасайтириб юборади, тормозни ишга солади ва машинани тўхтатиб қўяди, деб ёзади «Ауто-ревю» журнали.

# Жаҳон КУЛАДИ



* * *

Бир куни ўқитувчи Пьердан Карл X отасининг исмини сўради.

— Карл X нинг отаси Карл IX, — деб жавоб берди Пьер.

Сўнг ўқитувчи унга иккинчи савол билан мурожаат қилди, яъни Франсуа I нинг отасининг исмини айт-чи?

Пьер: «Франсуа I нинг отаси Франсуа 0 бўлган, жаноб», деб жавоб берди.

* * *

*Ақли заиф киши кўчада расм чизиб ўтирганда ёнига бир ёш йигит келиб, ундан нимани қоғозга тушираётганини сўради.*

*Шунда «рассом» қоғозга сигирларнинг расмини «чизганини» айтди.*

*— Бироқ расмда ҳеч қандай сигирнинг тасвири йўқ-ку, — деди ёш йигит.*

*— Улар аллақачон яйловга кетишди.*

* * *

Бир хотин лифтчидан сўради:

— Сиз кун бўйи чиқавериб, тушавериб чарчадингиз, шекилли жаноб?

— Тўғри айтасиз.

— Кўпроқ қайси ҳолатда, тушаверибми?

— Йўқ.

— Чиқаверибми?

— Йўқ.

— Бекатлардами?

— Йўқ.

— Унда қандай ҳолатда?

— Саволларингизга жавоб бераётганда.

**Француз тилидан Заргул ЭРНАЗАРОВА таржимаси**

# ЎЗИМ ЎҚИЙМАН

### БИР ҚОП ЛОФ

**— Шундай қилиб қўзичоқ**
**Бўрини ебди ўрмонда.**

**— Пашшадан йиқилиб фил**
**Бўпти роса шарманда.**

**— Қаранг, митти мушукни,**
**Йиқитибди кучукни.**

**— Товуқдан қочиб тулки,**
**Барчага бўпти кулги.**

**— Бугун пойгада бешак,**
**Отдан ўзибди эшак.**

**— Булар бари ҳазил-лоф,**
**Маъносини ўзинг топ.**

### ҲАЗИЛНИ БИЛГАНГА ҚИЛ

**Набира: Нега кўплар кулмайди,**
**Кулгини дўст билмайди?**
**Айтақолинг бувижон,**
**Улар кулишар қачон?**

**Буви: Ўз қадрини билмаган**
**Кулги қадрин на билсин!**
**Кулмас улар ҳеч қачон,**
**Кулолмаса не қилсин!**



**Набира: Ҳазил таги — дейди зил,**
**Тунов куни кал Фозил,**
**Ҳазил шунча оғирми?**
**Ҳазилдан бош оғрирми?**

**Буви: Оҳ, болама, болама,**
**Саволинг бир олама.**
**Қақилдоғим шуни бил,**
**Ҳазилни билганга қил!**

### ГУЛЛАР КАСАЛ БЎЛМАСИН

**Не қиламиз, ойижон,**
**Гулим касал бўлибди?!**
**Ранглари бир аҳволда**
**Ҳатто барги сўлибди!**

**Бўлинг тезроқ, ойижон,**
**Хабар беринг «нол уч»га!**
**Укол қилсалар балки**
**Кириб кетар тез кучга!**

**Қийналиб кетди гулим,**
**Қачон келгай «Тез ёрдам»?**
**Ё бориб берсакмикан**
**«Тез ёрдам»га биз ёрдам?**

**Соғайиб кетсин гулим,**
**Сарғаймасин, сўлмасин.**
**Бу дунёда ҳеч қачон**
**Гуллар касал бўлмасин!**

**Тўлан ТАБАССУМ**

# ТЎҚИЛМАГАН ТЎҚИМАЛАР

## ТУШЛИК НИМА БЎЛАДИ?

— Сизни овчи дейишади, шу тўғрими? — сўради доктор бемордан.

— Тўғри, ёввойи ўрдак, тустовуқ ови жону дилим.

— Яна нималар отасиз?

— Тўй-ҳашамларда бир шиша-ярим шиша отиб турамиз, ёмонроқ ётиб қолсак хуррак ҳам отамиз...

* * *

**— Бугун жуда очилиб кетибсизми, — деди ёш бемор томиридан дори юбориш учун билагини аста силаётган ҳамширага.**

**— Ҳар кунгидайман, — бамайлихотир жавоб қайтарди ҳамшира, — сиз бўлсангиз тузала бошладингиз.**

* * *

— Доктор, бир ҳафтадан бери нуқул товуқ шўрва ичаман, бошқа таом истеъмол қилишга рухсат берсангиз.

— Марҳамат, эртадан бошлаб бемалол хўроз шўрва ичишингиз мумкин.

* * *

**— Бемор, мен сизга чекишни ташланг, дегандим-ку, оғзингиздан сигаретанинг ҳиди келиб турибди.**

**— Ишонинг доктор, ростдан ҳам ташладим.**

**— Қачон ташладингиз?**

**— Палатага кириб келишингиз билан.**

* * *

— Доктор операция қанча давом этиши мумкин?

— Бир ярим-икки соатларга борса керак.

— Ие, унда тушлик нима бўлади?

* * *

**— Мана сизга уч хил дори, — деди врач беморга, — биттасини овқатдан олдин, биттасини овқат маҳали, мана бунисини эса овқатдан кейин ичасиз. Тушунарлими?**

**— Тушунарли, аммо бу дориларингиз етмаса керак?**

**— Нега энди?**

**— Ўзингиз айтганингиздек, мен оз-оздан кунига беш маҳал овқатланаман.**

* * *

— Бемор Бобоев, ўрнингизга ётинг. Сизга яна осма укол тайинлашибди.

— Шу дорини томирдан юбормай ичиворса бўлмайдими?

— Бўлади, аммо шундай қиммат дорининг ярми исроф бўлади-да...

**М.АҲМЕДОВ**

*Инсон ахлоқ ва қонун*

# ЮЗ ГРАММ БАЛОСИ

Эшик қўнғироғи жиринглаб кимдир келганидан дарак берди. Ҳафсаласизлик билан эшикни очган Жобир ҳамтовоғи Юратни кўрди. Қадрдонлар бағирлашиб кўришар экан, Юрат уни эсон-омон қайтгани билан қутлади. Бир пиёла чой устида суҳбат қизидию, аммо кўп ўтмай тафти пасайиб, гап-гапга қовушмай қолди.

— Жобир, камгап бўлиб қолибсан. Юр, бирорта кафега бориб юз-юз қиламиз. Гапга жон киради, — дея таклиф киритди Юрат.

Жобир унинг юзига тикилганча унсиз бош чайқади. Юз-юзнинг нима эканлиги маълум. Ичкилик орқасидан қинғир ишга қўл урган, яқинда ана шу ишнинг жазосини тортиб қайтган Жобир, иложи борича бу кўчадан ўзини узоқроқ тутишга уринаётган эди.

— Қўрқоқ бўлиб қолибсан, яна бир касофатни бошламай, деб ўйлаяпсанми? Э, юр, ҳеч бало бўлмайди, — яна қисталанг қилди Юрат.

Жобир уф тортиб ўрнидан турди.

— Ҳали жазо муддатим тугамаган. Қамоқни мажбурий хизмат билан алмаштиришди. Агар ичиб юрганим «участкавой»нинг қулоғига етиб борса яхши бўлмайди. Узр оғайни, агар ниятинг ароқ ичиш бўлса мени излаб ўтирма, ўзинг ичавер.

— Сени қараю, ундан кўра пулим йўқ, деб қўя қолсангчи.

— Гап пулдамас, мени биласан, ичиб олсам бир хархаша чиқараман.

— Ёнингда мен борман-ку, ўзим қарайман.

— Қўй энди, қисталанг қилма, мазам бўлмай турибди, барибир бормайман.

Бу гапдан сўнг Юрат хўмрайганча чиқиб кетди. Ўртоғининг орқасидан эшикни ёпган Жобир унинг хафа бўлганидан хижолат тортди. Аммо бу хижолат узоққа чўзилмади. Орадан кўп ўтмай Юрат яна қайтиб келди. Уни хафа қилганидан пушаймон бўлиб турган Жобир нима бўлса бўлар қабилида иш тутиб, ўзи ичмаслик шарти билан Юратни кафега таклиф қилди.

Кафеда эса...

Юз грамм ароқ буюрган Юрат шериксиз ичолмаслигини айтиб, Жобирдан қўшилишни сўради. Шу тариқа юз грамм иккига бўлинди. Жобирнинг сахийлиги қўзидими ёки Юратнинг «Пулим йўқ десангчи», деган таънаси ёдига тушдими, хизматкорни чақириб бир шиша ароқ келтиришни тайинлади.

Бундай ташаббусдан завқланган улфати эса уни олқишлади.

— Баракалла, энди аввалги Жобирга ўхшаяпсан.

Кафедан зўр бўлиб чиққан икковлон бир-бирига хушомад қилар, латифа айтишар, қаҳ-қаҳ уриб кулишарди. Шу орада Жобирнинг ёдига «Чашма» маҳалласида турувчи холаси тушиб қолди. Ўртоғи билан маслаҳатлашиб, холасини кўргани бормоқчи бўлишиб такси тўхтатишди. Кира қилиб тўрт-беш сўм пул топиш мақсадида куёвининг машинасини миниб чиққан Пак, бу икки маст одамдан яхшилик чиқмаслигини билганида, эҳтимол, ўша куни умуман кира қилмаган бўлармиди?

Ҳайдовчи айтилган манзилга безиён етиб келди. Жобир унга кутиб туришни тайинлаб, холаси ва жияни билан дарвоза олдида бир пас гаплашгач, ортга қайтди...

Жобирнинг хаёлида ҳайдовчига нисбатан ёмон ният йўқ эди. Аммо Юрат машинани тўхтатишни сўради. Моторни ўчирган ҳайдовчи томоғига тиралган пичоқнинг муздай тафтини ҳис этдию, бу икки талончилардан яхшиликча қочиб қутилишни афзал билди.

Аввалига Юратни сўккан Жобир кейинчалик, машинадан 23000 сўмлик лаш-лушларни ечиб олганларидан сўнг мамнун бўлди. Бироқ мамнунлик узоққа чўзилмади. Эрталаб маҳаллага келиб ўзини милиция қидираётганини эшитди. Унинг назарида жиноятни яширишнинг бирдан-бир йўли қочиш эди. Бу йўл унга маъқул келиб Россияга равона бўлди...

Қор ёғди, излар босилди, деган гапни Жобир ҳам эшитган ва кўпинча шунга қараб иш тутарди. «Орадан анча вақт ўтди, милициянинг ёдидан чиққандир, энди қайтаман», деган ўй билан Ўзбекистонга қайтиб, таниши Саидраҳимнинг уйида ишлаб юрди.

Аввалига ҳаммаси яхши кетаётган эди. Бироқ Азиз исмли танишини учратиб қолиб, яқин орадаги кафеда юз граммдан ароқ ичишдию, унинг яна жини қўзиди. Кафе яқинида «Нексия» машинаси ёнида чақ-чақлашиб турган уч киши кўзига балодай кўриниб, жанжаллашиш мақсадида уларга хиралик қила кетди. Улардан бирининг жаҳли тез экан, Жобирни сўкиб, ҳайдаб солди.

Бундан баттар ғазаби қўзиган Жобир Саидраҳимнинг уйига кириб пичоқ билан қуролланди. Ҳеч нарсадан бехабар гаплашиб турганларга яқинлашиб, сўккан одамнинг орқа курагига пичоқ урди. Саросимага тушиб қолган шериклари у билан овора бўлиб турганида, Жобир «Нексия»га ўтириб жуфтакни ростлаб қолмоқчи эди.

«Мол аччиғи — жон аччиғи», деганича бор экан. Оғир жароҳат олганига қарамай, зўравон миниб қочаётган машинасига ачинган жабрдийда ўзини салонга урди. Ичкарида олишув бошланди. Охир-оқибат бошқарувни йўқотган машина магазин ёнидаги бетон тўсиққа урилди. Кўп қон йўқотгани учун анча ҳолсизланиб қолган машина эгаси бошқа қаршилик қилолмади. Жобир эса жуфтакни ростлади...

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Жобир иккинчи жиноятни содир этиб қочиб кетганида айнан шу гапни унутган эди. Тўғри, у қочиб кетиб анча вақт жазодан қутилди. Аммо бутунлай эмас. Унинг қилмишлари қонун ҳимоячилари ёдидан бир лаҳза ҳам кўтарилмаган, аксинча янада маҳкамроқ жой олган эди...

2004 йилнинг 12 апрелида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг Комилжон Юсупов раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида Халилов Жобир Жабборович, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 267-моддаси 2- қисми «б» банди, шу модданинг 3-қисми «в» банди, 164-модданинг 3-қисми «г» банди ҳамда 4-қисми «а» банди билан «Транспорт воситасини олиб қочиш» ва «Босқинчилик» жиноятларини содир этганликда айбдор, деб топилди.

Суд жиноятнинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, жазони ўташ даврида содир этилганлигини айбланувчининг айбини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, Халилов Жобир Жабборовични ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум этди...

Ушбу суд очеркини ёзиш учун суд ҳукми билан танишаётганда, жиноятчи ҳақидаги баъзи маълумотлар эътиборимни тортди. У ҳар иккала жиноятни ҳам ароқ ичган ҳолда содир этган. Беихтиёр кишининг ёдига «Дадиллик учун юз грамм» кинокомедияси тушади. Филм қаҳрамони бўлажак келин билан учрашувга чиқиш олдидан дадиллик учун юз грамм отиб олиб, ҳамма ишни расво қилгач, келин ундан юз ўгиради. Бу-ку кино. Аммо ҳаётда ҳам қиёсан шунга ўхшаган воқеалар учрар экан-да.

Исломда «Одам ва жин шайтонлари», деган гап бор. Бу гапдан шайтон фақат жинлар орасида эмас, одамлар орасида ҳам мавжуд, деган хулоса чиқади.

Жобирни ичкиликка ундаган Юратнинг васвасаси қайси шайтонникидан кам? Бу васваса иблисга ҳам сабоқ бўладиган васваса эмасми?

Донишмандлар айтади, «Озод бўлиш учун қонунларнинг қули бўлиш лозим». Нақадар баъмани сўз. Ҳайвонот, табиат, курраи арз, ҳаттоки коинот маълум қонун қоидалар асосида яшайди. Бутун борлиқнинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Инсон жамият қонунларига бўйсунишга мажбур. Озодлик дегани кўнгилга келган ишни қилиш дегани эмас. Агар шундай бўлса, одам ўз сифатини йўқотади.

Тўғри сўз, «Озод бўлиш учун қонунларга итоат қилмоқ лозим». Қонунга итоат қилмаган одам, ўзини-ўзи озодликдан маҳрум этади.

Жобир ана шу йўлни танлаган эди...

**Абдулҳамид МУХТОРОВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 353. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН